



Инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳуқуқий демократик давлатнинг муҳим шарт бўлиб, истиқлол йилларида мамлакатимизда шу мақсад йўлида туб ислохотлар амалга оширилди.

Бу жараёнда суверен давлат ва адолатли жамиятнинг шакллантиришнинг муҳим асослари, инсон ҳуқуқларига, демократия ва ижтимоий адолатга содиқлик тамойиллари мустаҳкамлаб қўйилган Асосий Қонунимиз алоҳида аҳамият касб этди.



Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида амалга ошириладиган кенг кўламли ислохотлар амалда қилинган самараларни бермоқда. Айниқса, мустақилликнинг ўтган даврида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизими тубдан ислох қилиниб, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлигига асосланган ҳуқуқий тизим яратилди.

Huquqiy ma'rifat

Келишув битими

фуқаролик ишларини ҳал этишнинг қулай йўли

Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида таъкидланганидек, фуқароларнинг суд орқали ҳимоялаши кафолатлари жиддий тарзда кучайтирилди, ушбу кафолатдан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришни таъминлаш бўйича катта кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2012 йил 2 августдаги «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида ҳам инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган, давлат ҳокимиятининг фоят муҳим тармоғи бўлган суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич демократлаштириш ва эркинлаштириш ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва модернизация қилиш бўйича мамлакатимизда амалга ошириладиган узоқ муддатли ва изчил ислохотлар дастурининг энг муҳим устувор йўналиши эканлиги алоҳида эътироф этилди.

Таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали самарали ҳимоя қилишда фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари мустаҳкам асос вазифасини ўтамоқда. Айни вақтда умумий юрисдикция судларига тааллуқли бўлган фуқаролик, меҳнат, оила, уй-жой ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар суд амалиётида кўпчиликни ташкил этиши суд орқали ҳимоялашнинг барча учун қулай ва самарали усулларини жорий этиш, фуқаролик суд ишларини тўғри ва ўз вақтида кўриш ҳамда ҳал этилишини таъминловчи процессуал чораларни янада такомиллаштиришни тақозо этади.

(Давоми учинчи бетда)

ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯСИ

одил судлов йўли билан изчил таъминланмоқда

Шу асосда суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш борасида ҳам зарур чора-тадбирлар амалга оширилди. Суд ҳокимияти мустақиллиги таъминланди, судлар ихтисослаштирилди, кассация институти ислох қилинди, ишларни қайта кўриб чиқишнинг апелляция тартиби, ярашув институти жорий этилди. Суд амалиётининг барча босқичларида томонлар тенглиги кафолатланди. 2008

йилнинг 1 январидан мамлакатимизда ўлим жазоси бекор қилинди, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди. Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштириш жараёни изчил давом эттирилмоқда.

Зеро, Бош қомусимизнинг 43-моддасида эътироф этилганидек, давлат фуқаролар-

нинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлайди. 44-моддада эса, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланиши қайд этилган.

Шу ўринда маълумотларга

мувожаат қилсак 1994 йилда судларда жами 64 мингга яқин фуқаролик иши кўрилган бўлса, 2012 йилнинг 9-ойи давомида фуқаролик ишлари бўйича судлари томонидан жами 124 минг 428 та иш кўрилган. Шундан 105 минг 474 та иш бўйича ҳал қилув қарори чиқарилган бўлса, 94 минг 265 та ёки 90,0 фоиз иш бўйича даъво-лар қаноатлантирилган.

Иқтисодий муносабатлар-

нинг ривожланиши, жамиятнинг демократлашуви ва янгиланиши моддий ҳуқуқ нормаларининг ўзгариши ва янгиланишига таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Бу эса, у ёки бу субъектларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш хусусиятини белгилловчи махсус процессуал нормаларнинг такомиллашиб боришига олиб келди.

(Давоми иккинчи бетда)

Мамлакатимизда эркин фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида ҳар бир инсоннинг эркин яшаши, ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофаза этилиши, тадбиркорлик фаолиятини тўлиқ рўйбга чиқариши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилаётир.

Бугун тадбиркорлар, ишбилармонлар, бозор иқтисодиётига асосланган жамиятни тараққий эттирувчи кучга айланди. Бу мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб бозорни эркин-


Istiqlol va imkoniyat

Инсонпарварлик тамойиллари амалда

лаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш борасида зарур чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилганининг самарасидир. Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференция эса, халқимиз йигирма бир йил ичида бу соҳада жаҳонга тақдим этгулик тажрибаларга ҳам эришганининг яққол намоиши бўлди, дейиш мумкин.

(Давоми иккинчи бетда)



Маълумки, юртимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш жараёнида суд ишлари тобора яхшиланмоқда. Апелляция инстанцияси шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Islohot va samara

Апелляция инстанцияси

ҳукм, қарор ва ажримларнинг қонунийлигини таъминлашга хизмат қилмоқда

Бу, ўз навбатида, суд қарорларининг қонунийлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Қолаверса, ушбу институтнинг жорий этилиши билан апелляция инстанцияси суд қарорини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун юбормасдан, янги ҳал қилув қарори қабул қилишдек процессуал ҳуқуққа эга бўлдики, бу ҳам фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ўз вақтида



ҳимоя қилиш имкониятини яратди. (Давоми иккинчи бетда)


Qonun ko'magi

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

ушбу субъектларни қўллаб-қувватлашнинг қонуний асослари

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Тадбиркорларни рўйхатдан ўтказишнинг хабардор қилиш тартиби жорий этилиб, уларнинг молия-ҳужжатли фаолиятини текшириш ва тафтиш қилиш белгиланган тартибда фақат давлат солиқ хизмати идоралари томонидан амалга оширилиши, уларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд тартибда қўлланилиши белгилаб қўйилгани соҳа ривожига кенг йўл очмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)



Mezon

Суд буйруғи институти

содда ва самарали усул

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қонун йўли билан ҳимоялашнинг самарали механизми — мустақил суд ҳокимияти қарор топди. Судларнинг фуқаролик ва жиноят ишларини кўриш бўйича ихтисослашгани ишларни кўриш самарадорлигини оширмоқда.

Бу борада кўшимча қулайликлар яратиш, даъво аризалари ва шикоятларни қабул қилиш ҳамда уларни кўриб чиқиш борасидаги дастлабки жараёнларни янада соддалаштириш мақсадида фуқаролик ишларини судда кўриш ва ҳал қилишнинг бир мунча соддалаштирилган тартиби — буйруқ тартибида иш юритиш жорий этилди.

Суд буйруғи — ундирувчининг пул маблағини ундириш тўғрисидаги ёки кўчар мол-

мулкни низосиз талаблар бўйича қарздордан талаб қилиб олиш тўғрисидаги аризаси бўйича судья ишни судда кўрмасдан чиқарган ҳужжатдир.

Суд буйруғи ўзининг таркибий қисми, тузилиши ва мазмун-моҳияти билан одил судлов ҳужжати ҳисобланган суд ҳал қилув қарорларидан жиддий фарқ қилади. Суд буйруқлари ўзига хос бўлган қуйидаги белгилари билан суд қарорларидан фарқланади: (Давоми учинчи бетда)

Фуқаролар ўртасидаги ўзаро муносабатлар турли ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, шартнома, битим ёки келишув йўли билан амалга оширилади.

Huquq va burch

Қарз олиш ва бериш тартиби

унга риоия этиш турли низоларнинг олдини олади

Бировдан моддий буюм ёки пул маблағлари қарзга олинганда қарз берувчи ва олувчи ўртасида қарз шартномаси тузилади. Фуқаролик кодексининг 105-моддасига кўра, бундай битимлар озгаки ёки ёзма

шаклда тузилиши мумкин. Қарз шартномасининг шакли қарз суммасига қараб белгиланиши ҳам битим шакли тўғрисидаги умумий қониндан келиб чиқади. (Давоми иккинчи бетда)

Istiqlol va imkoniyat

Инсонпарварлик тамайиллари амалда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ушбу конференцияда Президентимиз кичик бизнес ва хусусий табирикорлик соҳасида эришилган ютуқларимизнинг асосий омилларидан бири, аввало, бу соҳанинг мустақам ҳуқуқий базаси яратилганида эканлигини ҳам таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, табирикорлик, кичик бизнесни ривожлантиришга қаратилган қонун ҳужжатлар қаторида 2001 йилда қабул қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят кодекси ҳамда Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун ҳам алоҳида ўрин тутди. Жумладан, ушбу қонунда иқтисодийёт соҳасидаги жиноятларда айбланувчи-судланувчи шахс етказилган зарарни тўлиқ қопласа, унга нисбатан қамқоқ билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашнинг белгиланиши инсонпарварлик тамайилининг яққол ифодаси бўлди.

Либераллаштириш — жиноий қилмишлар учун тайинланадиган жазоларни енгиллаштириш билан бирга жиноий қилмишларнинг таснифлашга ҳам муҳим ўзгаришлар киритди. Жумладан, Жиноят кодексининг бир неча моддаларидаги жиноятлар тури ўта оғирдан оғирга, оғир жиноятдан эса, унча оғир бўлмаган жиноятга, шунингдек, унча оғир бўлмаган жиноятдан ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар турига ўқазилди. Бу билан содир этилган жиноятлар учун тайинланадиган жазолар ҳам енгиллаштирилди.

Шу ўринда мисолларга мурожаат қилсак «Тошкент-Ургенч-Саратов» йўналиши-

даги поездда вагон қузатувчиси бўлиб ишловчи Жамшид Болтабоев йўловчи М.Эрназарова билан танишиб, аста-аста унинг ишончига киради ва аввалига 500-600 АҚШ доллари қарз олиб, қайтариб беради. Сўнг эса, ўз вақтида қарз микдорини кўпайтириб, жами 47 минг АҚШ доллари билан қайтаришни пайсалга солиб юрди. Фирибгарлик жинояти билан айбланган Ж.Болтабоев тергов жараёнида етказилган зарарни тўлиқ қоплади ва унга озодлиқ маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланди.


Олимжон Муҳаммадиев эса «BEST AGRO» ташкилотининг раҳбари бўлиб ишлаганида У Жиноят кодексининг 168 ва бошқа бешта моддаси билан жавобгарликка тортилган. У ҳам етказилган зарарни тўлиқ қоплагач, 2012 йил 9 апрелдаги ҳужмага асосан, у йилгача раҳбарлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, уч йил синов муддати белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, жазо тайинлашдан мақсад ҳам йўл қўйилган хатони тўғрилаш, етказилган зарарни қоплашдир. Шу маънода етказилган зарар қопланганда жазонинг енгиллашуви шу мақсадни тўлиқ амалга оширишга имкон беради. Бу қонунчилигимиздаги инсонпарварлик тамайиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан бир қаторда, жиноят йўлига кириб қолган шахсларга ҳаётда яна тўғри йўл топиб олишга йўл очди.

Ёқутхон ХАЙДАРОВА, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод тумани судининг раиси

Huquq va burch

Қарз олиш ва бериш тартиби унга риоя этиш турли низоларнинг олдини олади



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Одатда, фуқаролар ўртасидаги қарз шартномаси қарз олувчи томонидан қарз берувчига тилхат бериш орқали расмийлаштирилади. Маъмурий тилхат қарз олувчининг имзоси билан тасдиқланади ва процессуал жиҳатдан далилга тенглаштирилади.

Қарз суммасини қайтариш муддати шартномада белгиланган бўлмаса, қарз олувчи уни қарзни қайтариш ҳақида талаб қўйган кундан бошлаб ўттиз кун мобайлида қайтариши керак.

Суд амалиётида тарафлар ўртасида тузилган қарз шартномаларида қарз олувчи олинган қарзни шартномада белгиланган муддатда қайтармаганда олинган суммага нисбатан қонунда белгиланган фоизларини ҳам талаб қилиш ҳақида даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳоллари учрайди.

Мисол учун Г.Тўраева судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, С.Мамадалиевадан қарзнинг фоизлари ҳамда ўзига етказилган маънавий зарарни ундиришни сўраган. Даъвогар судга жавобгарнинг қарздор эканлигини тасдиқловчи далил сифатида жавобгар томонидан пул олганлиги ҳақидаги ёзма тилхатнинг асос қилиб кўрсатган.

Тарафлар томонидан тузилган оддий ёзма шаклдаги битим шартларига қўра, жавобгар даъ-

вогардан олган пуллари икки ой муддатда қайтариши лозим эди. Аммо жавобгар уни бажармаган.

Олий суд Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги 7-сонли қарори талабига қўра, қарз шартномасидан келиб чиққан мажбурият пул мажбурияти бўлиб, уни бажармаганлик учун жавобгарлик Фуқаролик кодексининг 327-моддасида белгиланганидек, қарз олувчининг шартнома шартлари бўйича мажбуриятни бузганлиги қарз берувчининг маънавий зарарни қоплаш ҳуқуқини истисно қилади.

Суд юқоридаги қонун талабларидан келиб чиқиб, даъвогарни қарзни фоизи билан ундириш ҳақидаги талабини қаноатлантириб, маънавий зарарни ундириш ҳақидаги даъво талабини рад қилиш ҳақида ҳал қилув қарорини қабул қилди.

Бир сўз билан айтганда, фуқаролар қарз берганида ва қарздор қарзини қайтарганида, албатта, бу ҳақда тилхат олиши мақсадга мувофиқ. Бу эса, фуқаролар ўртасида турли низолар келиб чиқилишининг олдини олади. Юқоридаги ҳолатда ҳам қарз берувчининг қўлида тилхат бўлганлиги уни судда ҳимоя қилишга асос бўлди.

Г.АСРАНОВА, фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилояти суди раиси ўринбосари вазифинини бажарувчи

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Суд тизимини ислоҳ қилиш натижасида 2000 йил 14 декабрда «Судлар тўғрисида»ги қонун янги таҳрири қабул қилинди. Фуқаролик ҳамда жиноят ишлари бўйича алоҳида судлар ташкил этилди. Фуқаролик-процессуал кодексига муҳим ўзгаришлар киритилиб, апелляция тартибида иш юритиш жорий этилди.

2003 йил 12 декабрда Фуқаролик-процессуал кодекси «Буйруқ тартибида иш юритиш» деб номланган алоҳида боб билан тўлдирилди. Натижада суд иши соддалаштирилди, вояга етмаган болалар учун алимент ундириш, коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзни ундириш, хисобланган, лекин ходимга тўланмаган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ундириш, фуқаролардан солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни ундириш ҳақидаги ишлар бўйича судья ишчи кўрмасдан суд буйруғи чиқариш ваколатига эга бўлди.

Буйруқ тартибида иш қилинишида тарафлар суд мажлисига чақирилмайди, суд буйруғи ариза келиб тушган кундан бошлаб уч кун ичида чиқарилади ва дарҳол ижрога қаратилади. Асосийси, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари қисқа муддатларда тикланади, судга мурожаат қилган шахсларнинг вақти

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganligining 20 yilligiga

Фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси

одил судлов йўли билан изчил таъминланмоқда

ва судга келиб-кейтиш харажатлари тежаллади.

Шу ўринда статистик маълумотларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2007 йилда фуқаролик судлари томонидан 11 минг 110 та суд буйруғи чиқарилган бўлса, бу кўрсаткич 2012 йилнинг 9 ойи давомида 1 миллион 322 минг 388 тани ташкил этди.

Айтиш керакки, Конституцияимизнинг 116-моддасида фуқаролар, корхона, муассаса ва ташкилотларга тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланган. Бу борада республикамизда адвокатура тизими ташкил қилинган бўлиб, унинг фаолияти «Адвокатура тўғрисида»ги ҳамда «Адвокатлар фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги қонунлар билан тартибга солинади.

Президентимизнинг 2008

йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг мантиқий давоми бўлди ҳамда малакали юридик ёрдам сифатини оширишга қаратилган кучли адвокатуранинг фаолият кўрсатиши ва адвокатлар малакасини юксалтириш учун мустақам ҳуқуқий асос яратди.

Шунингдек, судларда вакил бўлиши мумкин бўлган шахслар доираси белгиланиб, эндиликда вакил сифатида профессионал иш юритиш фаолияти билан фақат адвокатлар шугулланиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда,



инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси оид конституциявий тамайиллар ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётгани фуқароларимизнинг тинч ва фаровон ҳаётида, ўз орзу-интилишларини рўйба рўй чиқариши учун зарур шарт-шароитларга эга бўлаётганида тўлиқ намойён бўлаётир. **Ҳаёт ХОЛМИРЗАЕВ,** Олий суд судьяси

Qonun ko'magi

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

ушбу субъектларни қўллаб-қувватлашнинг қонуний асослари

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бундан ташқари назорат қилувчи идоралар томонидан ўтказилган текширишлар сони камайтирилди, топширилаётган ҳисобот турлари қисқартрилди.

Айтиш керакки, яратилган ашундай имконият ва шарт-шароитлар самараси ўлароқ, кичик бизнеснинг мамлакатимиз йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Айниқса, жорий йилда янги тартирда «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги ҳамда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши натижасида бу борадаги ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилди.

Ўрни келганда шунини қайд этиш керакки, тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, хоризий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашув, ноқонуний текширишлар ўтказилишининг олдини олиш, текширишларнинг қонунийлиги устидан назоратни таъминлашда «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»нинг жорий этилгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунга қадар Адлия вазирлиги томонидан ушбу китоб 350 минг нусхада чоп этилиб, тадбиркорларга етказиб берилди. Таъкидлаш жоизки, бу борада



ўтказилаётган мониторинг натижалари шунини кўрсатмоқдаки, баъзи назорат қилувчи идора ходимлари томонидан ушбу китобда белгиланган бандларни тўлдиришга етарлича эътибор берилмапти. Масалан, Жиззах вилояти адлия бошқармаси томонидан ўтказилган мониторингда Фаллаорол-Бахмал туманлараро Давлат меҳнат ҳуқуқи инспектори С.Тожиев ва А.Мамадалиева томонидан «Зомин кўкаламзорлаштириш» масъулияти чекланган жамиятида ўтказилган текширишда «Текширишларни

рўйхатга олиш китоби»ни тўлдириш тартибига риоя қилинмаган. Ушбу ҳолат юзасидан киритилган тақдимномага асосан С.Тожиев ва А.Мамадалиевага нисбатан ҳайфсан интизомий жазо чораси қўлланилди.

Бундан ташқари Бешариқ тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари О.Омонов ва А.Раҳматов томонидан «Яз-Фаразон» хусусий корхонасида ўтказилган текширишда ҳам хатога йўл қўйилганлиги аниқланиб, ушбу ҳолат юзасидан киритилган тақдимномага асосан

солиқ инспекцияси бошлигининг буйруғи билан айбдор шахсларга нисбатан жарима интизомий жазо чораси қўлланилди.

Тадбиркорларнинг фаолиятига ноқонуний аралашиларнинг олдини олиш мақсадида миллий қонунчилигимиз такомиллаштирилиб, яна бир муҳим ҳужжат «**Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга ҳилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик жорий этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида**»ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонуннинг асосий мақсади — давлат органларининг тадбиркорлик субъектларининг ҳўжалик фаолиятига иқтисодий зарар келтирадиган асосиз аралашувиغا йўл қўймаслик, шунингдек, тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат.

Хулоса қилиб айтганда, тадбиркорлар манфаатини таъминлаш борасида яратилаётган имкониятлар амалда уларнинг ривожланишига кенг йўл очмоқда. Бу эса, ўз навбатида, юртимиз тараққиёти, фаровонлигимизнинг асослари мустақамланишига замин яратмоқда.

З.СОБИРОВ, Адлия вазирлиги масъул ходими

Islahot va samara

Апелляция

изини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузасти ишлари жазоси тайинланган. Жиноят кодексининг 60-моддасига асосан узил-кесил ойлик иш ҳақининг 25 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузасти ишлари жазоси тайинланган. Шунингдек, ҳужмада Н.Бердиевадан жабранувчилар И.Нурмаатовни фойдасига 3 миллион 997 минг 100 сўм, Ш.Холиқовни фойдасига 431 минг 750 сўм зарарни ундириш ҳам белгиланган.

Ҳал шундаки, Н.Бердиева терговда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган «Насим» исми кимса билан олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, фуқаро И.Нурмаатовни хорижга ишга юборамиз, дея алдаб, унинг 2007 йил феврал ойида миллий валютада 2 миллион 487 минг 720 сўмга тенг бўлган 2 минг АҚШ доллари,

апрел ойида 2 миллион 509 минг 380 сўмга тенг бўлган 2 минг АҚШ доллари, жами 4 миллион 997 минг 100 сўм микдоридagi маблағини қўлга киритишди.

Шундан сўнг Н.Бердиева ўзининг жиноий ҳаракатларини яна давом эттириб, хориж ишга юбораман, дея алдаб, Ш.Холиқовнинг 250 АҚШ долларини, Ж.Рустамов ҳамда З.Пирмаатовнинг эса, 250 АҚШ долларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритади.

Жабранувчи И.Нурмаатов апелляция тартибида ёзган шикоятда Н.Бердиев фирибгарлик жиноятини содир этгани учун муқаддам судлангани, аммо бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб олмагани, аксинча, янги жиноят содир этгани, етказилган зарарни қопламагани сабабли суд ҳукмини бекор қилиб, ишни янгидан бошқа суд таркибида қўриш учун юборишни сўраган.

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг «Суд ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида фуқаролик ишлари бўйича судлар судьяларининг мавжуд иш юкласини, туманлараро судларнинг ўзларига бириктирилган ҳудудларга нисбатан қанчалик олисда жойлашганини ўрганиб чиқиш вазифасининг белгиланиши келажакда фуқаролик ишлари бўйича судлар тизимини оптималлаштиришга замин яратди.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, фуқаролик ишлари бўйича судлар судьяларининг мавжуд иш юкласини камайтиришда суд мажлисига қадар тарафлар ўртасида келишув битими тузиш орқали иш юритишни тугатишга эришиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, фуқаролик процессида тарафларни келиштириш ва келишув битимини тузишга эришиш — муайян бир фуқаролик иши бўйича иш юритишни тугатишнинг аъло даражадаги натижаси ҳисобланади.

Маълумки, судья аризани қабул қилиб, фуқаролик ишларини кўзга ташлаш, ишни ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш мақсадида унда судда қўришга тайёрлайди. Айтиш жоизки, фуқаролик ишларини судда қўриш учун тайёрлаш фуқаролик процессининг муҳим босқичи сифатида тарафларнинг келишув битими тузиш орқали фуқаролик ишларини тугатишга имкон яратиб бериши билан аҳамиятлидир. Тарафлар ўртасида келишув битимини тузиш эҳтимолининг мавжудлигини аниқлаш ва унинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтириш ишларини амалга оширишда судья томонидан ишни тайёрлаш тартибиде тарафларни сўроқлаш муҳим аҳамият касб этади. Маълумотларга қараганда, 2011 йилда биринчи инстанция судларида жами таомланган фуқаролик ишларининг сони 305227 тани ташкил этиб, шулар-

дан 14955 таси бўйича суд ҳал қилув қарори чиқарилган бўлиб, қолган қисмида иш юритишни тугатишнинг Фуқаролик процессуал кодексининг 100-моддасида 7 та асоси мавжудлиги ва тарафлар кели-

лишни таъминлаш, турли хил овозгарчиликлар ҳамда ортиқча суд ҳаракатларининг олдини олишга хизмат қилади.

Шу ўринда хорижий давлатлар таърибасига назар ташласак, Францияда фуқаролик ишлари бўйича судларнинг келишув бўлимида ҳар иккала томондан тарафларнинг ҳимоячилари иштирок этиб, ҳар иккиси ишни келишув асосида тугатишга қаратилган процессуал ҳаракатларни

Франция ихтисослашган судларининг келишув бўлимида ҳар иккала томондан тарафларнинг ҳимоячилари иштирок этиб, ҳар иккиси ишни келишув асосида тугатишга қаратилган процессуал ҳаракатларни

тилган меъёрларнинг мустақамлаб қўйилганини ҳам кўриш мумкин. Жумладан, суд мажлисига қадар низо-ри иштирок битими тузиш орқали ҳал этишнинг афзалликлари Германиянинг «Суд ҳаракатлари тўғрисида»ги Низомида мустақамлаб қўйилган. Унга кўра, агар тарафлар биринчи инстанция судида ўзаро келишув битими тузишга келишиб олса ва ушбу келишув суд музокарасига қадар амалга оширилса, бундай вазиятда тарафлардан суд ҳаракатлари ундирилмайди, ўлка ва федерал судларида эса, суд ҳаракатларининг ярми ундирилади. Тарафларни келишув битими орқали иш юритишни тугатишга қаратилган муҳим чоралардан бири сифатида фуқаролик ишларини келишув битими тузиш йўли билан тугатишни рағбатлантирувчи меъёрларни мамлакатимиз фуқаролик процессуал қончилигида мустақамлаш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, келишув битими ҳуқуқий муносабат субъектлари ўртасидаги келишувчиликни барта-раф этишнинг энг мақбул воситалардан бири ҳисобланади. У орқали тарафларда низоли ҳал этиш шартларини келишув асосида, ўз манфаати ва имкониятларидан келиб чиқиб, ўзаро музокаралар орқали белгилаш имконияти яратилади. Тарафлар ўртасида келишув битими тузиш орқали иш юритишнинг тугатилишига эришиш чораларини кўриш, биринчидан, манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатини ҳимоя қилинишни қафолатлади. Иккинчидан, турли хил овозгарчиликлар, ортиқча суд ҳаракатларининг олдини олади. Учунчидан эса, судьяларнинг иш юкламаларини камайтириш имкони яратилади.

Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи, юридик фанлар доктори


Huquqiy ma'rifat

Келишув битими

фуқаролик ишларини ҳал этишнинг қулай йўли

лишув битими тузган бўлиб, у суд томонидан тасдиқланиши иш юритишни тугатиш асосларидан бири эканлигини ҳисобга олганда, суд амалиётида келишув битими тузиш орқали иш юритишни тугатишга эришиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, фуқаролик процессида тарафларни келиштириш ва келишув битимини тузишга эришиш — муайян бир фуқаролик иши бўйича иш юритишни тугатишнинг аъло даражадаги натижаси ҳисобланади.

Ишни судда қўришга тайёрлаш тартибиде тарафларни сўроқлаш масаласига етарлича эътибор берилмаётганининг асосий сабабларидан бири Фуқаролик процессуал кодексининг 159-моддасида тарафларни сўроқлашнинг процессуал тартиби ва уни расмийлаштириш, сўроқ жараёнига тарафларни чақириш тартиби ва унга риоя қилмаслик оқибатлари, шунингдек, сўроқлаш мuddати, шунингдек, сўроқлаш мuddати билан айтганда, ушбу босқичда дастлабки эшитувга доир меъёрларнинг назарда тутилмагани билан изоҳланади. Ишни судда қўришга тайёрлаш босқичида тарафларни сўроқлаш ва дастлабки эшитув ўтказиш тартиби ва механизмизмин назарда тутувчи меъёрнинг Фуқаролик процессуал кодексининг 159-моддаси 3-бандида ўз ифодасини топиши ишни судда қўришга тайёрлаш босқичида келишув битимларини тузиш ҳолатларининг кўпайишига, фуқаролик ишларини суд мажлис-ларида мазмунан муҳокама қилмасдан, ишларни тўғри ва қисқа мuddатда ҳал қи-



ролик ишлари бўйича ихтисослашган судларда келишув бўлими ва судлов бўлими ташкил этилган. Судга келиб тушган даъво аризалари даставвал мажбурий тартибда келишув бўлимига берилади ва мазкур низо ёпиқ суд мажлисида келишув асосида ҳал қилинади. Ушбу жараёнда келишув битимини расмийлаштиришнинг содда-лаштирилган усули қўлланилиши эътиборга лойик. Хусусан, ушбу босқичда иш бўйича гувоҳлар ва процесснинг бошқа иштирокчилари жалб этилмайди ҳамда ишдаги мавжуд далиллар суд томонидан текширилмайди ва баҳоланмайди. Тарафларнинг келишув битими суднинг ҳал қилув қарори сингари кучга эга бўлган баённома билан расмийлаштирилади.

амалга оширади. Дарҳақиқат, фуқаролик процессида тарафлар ўртасида келишув битимини тузиш орқали фуқаролик ишларини тугатишга эришишда ҳимоячиларнинг иштирокига алоҳида эътибор бериш лозим. Зеро, фуқаролик процессида адвокат нафақат тарафларга малакали юридик ёрдам кўрсатиши ўз олдида вазаифа қилиб қўяди, балки процессда тарафларнинг вакили сифатида иштирок этиб, улар ўртасида юзага келган қалтис вазиятларни юмшатиш, уларни ўзаро муроасага келишида фаол иштирок этиши лозим. Шунингдек, баъзи бир хорижий давлатлар қонунчилигида фуқаролик ишларини келишув битими тузиш йўли билан тугатишни рағбатлантиришга қара-

Қонунчиликда судга даъво тақдим этишнинг тартиблари белгиланган бўлиб, шулардан бири Фуқаролик процессуал кодексининг 241-моддасида акс этган. Унда даъвогарнинг танлаши бўйича судловга тааллуқлилик масаласи қамраб олинган.

Maslahat

Даъво тақдим этиш тартиби

ларни ўзи яшаб турган жойда ҳам тақдим этади. Кемалар тўқнашуви натижасида кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги, шунингдек, сувда ёрдам берганлик ва кўчгарганлик учун ҳақ ундириш тўғрисидаги даъвонинг жавобгарнинг кемаси турган ёки кема рўйхатга олинган порт жойлашган манзилда тақдим этса бўлади. Фуқаронинг ёки юридик шахснинг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъвогар зарар етказилган жойда ҳам тақдим этилиб, ҳал қилиниши мумкин.

Юридик шахснинг филиали фаолиятдан келиб чиқадиган даъво-лар филиал жойлашган манзилда ҳам тақдим этилади. Турли жойларда яшовчи ёки турмуш жойида жавобгарга нисбатан ёки юридик шахс бўлиб, турли манзилда жойлашган жавобгарларга нисбатан даъво даъвогарнинг танлаши бўйича жавобгарлардан бири яшайдиган ёки турган жойда тақдим этилади. Агар даъвогарнинг вояга етмаган болалари борлиги, шунингдек, ногиронлиги ёки оғир касаллиги туфайли у жавобгар яшаб турган жойдаги фуқаролик иш-

ри бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судига боришга қийналса, никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги даъвогар даъвогарнинг яшайдиган жойида тақдим қилинади. Бедарак йўқолган, деб ёхуд рухий ҳолатининг бузилганлиги (рухий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли муомалага лаёқатсиз, деб топилган шахслар, шунингдек, уч йилдан кам бўлмаган мuddатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар билан никоҳни бекор қилиш ҳақидаги даъвогар, даъвогарнинг хоҳишига қараб, унинг яшаш жойида қўрилиши мумкин.

ИНСТАНЦИЯСИ

ҳукм, қарор ва ажримларнинг қонунийлигини таъминлашга хизмат қилмоқда

И.Нурмаатов апелляция судида берган кўрсатилганда, Зийдулло исмли таниши унга хорижга ишлагани бориш нияти бўлса, Нарғиза исмли шахс ёрдам беришини, бунинг учун дастлаб унга 200 АҚШ доллари, кейинчалик 3 минг 800 АҚШ доллари бериши лозимлигини айтади. У оила аъзолари билан маслаҳатлашиб, розилик билдирди. Зийдулло ундан фуқаролик паспорти ва 200 АҚШ долларини олиб кетади. Орадан бир неча кун ўтгач, унинг уйига Нарғизанинг ўзи келиб, хорижга чиқиш учун виза урилган паспортини бераркан, қўшимча ҳаракатларга яна 4

минг АҚШ доллари сўрайди. И.Нурмаатов қариндошларидан қарз кўтариб, Н.Бердиевага ушбу қийматдаги пулни бергач, унга бир ҳафтада хорижга кетишини айтади. Орадан бир ҳафта эмас, бир ой ўтса ҳамки, хорижга чиқиш орқага қоллаверади. Бунинг устига у И.Нурмаатовдан яна пул беришини, акс ҳолда, аввал берган пулларига қуйиб қолишини айтган. И.Нурмаатов қариндошлардан яна 1000 АҚШ доллари олиб, Н.Бердиевага бергач, хорижга жўнаб кетади. Бироқ хорижда унинг фуқаролик паспортини виза сохта эканлиги ошкор бўлади... Шундан сўнг И.Нурмаатов Н.Бердиевага учра-

шиб, пулларини қайтариб беришни сўрайди. Бироқ Н.Бердиева олган пулнинг маълум қисмини бериб, қолганини қайтармайди. Апелляция судлов ҳайъати И.Нурмаатовнинг шикоятидеги важлар билан келишиб бўлмайди деган тўхтамга келди. Чунки Олий суд Пленумининг юқорида қайд этилган «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 3-бандида «Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши — ҳар бир ҳолатда индивидуал таъинлашни, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак» дейилган. Ушбу қарорнинг 5-бандида «... судлар унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратилган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун ҳолда мавжуд барча имкони-

ятлардан тўлиқ фойдаланиш керак» деб кўрсатилган тушунтиришларга биринчи босқич суди риоя қилган. Суд Н.Бердиеванинг айбига тўлиқ иқдорлиги, қилмишдан пушаймонлиги, оилавий шариоити, қарамоғида тўрт нафар фарзанди борлиги, аёл киши эканлиги ва етказилган зарар қисман қопланганлигини инобатга олиб, адолатли жазо тайинлаган. Шу боис апелляция суди биринчи босқич суднинг ҳукмининг ўзгаришсиз, И.Нурмаатовнинг апелляция тартибидеги шикоятини эса, қаноатлан-тирмасдан қолдирди. Энди мақсадага қайтадиган бўлсак, Ф.Дуров жиноятни гуруҳ бўлиб содир этгани, бу турдаги жиноят хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига кўра, ўта оғир жиноят эканлигига, ўзига нисбатан тайинланган жазонинг қонунийлигига апелляция судида тўлиқ ишонч ҳосил қилди. Иккинчи воқеадаги жабрланувчи И.Нурмаатов ҳам қонун моҳиятини тушуниб етди. У биринчи босқич суднинг ҳукми адолатли, қонуний чиқарилганига ишонч ҳосил қилди. Урни келганда шуни айтиш керакки, апелляция босқичида одил судловга нисбатан ишон-

чи янада ортишига хизмат қиладиган ўта муҳим жиҳат бор. Яъни апелляция тартибиде берилган шикоят, шунингдек, протест асосида апелляция суди ҳали қонуний кучга кирмаган ҳукм, қарор ва ажримларнинг қонунийлигини, асослигини ҳамда адолатлилигини текшириб, яна бир қарра қонуний тўхтамга келади. Хулоса қилиб айтганда, 2000 йилнинг 14 декабрида қабул қилинган қонун билан Жиноят процессуал кодексига «Апелляция тартибиде иш юритиш» институти киритилган. Утган вақт мобайнида апелляция инстанцияси суди ҳукм, қарор ва ажримларнинг қонуний, асосли ва адолатлилигини таъминлашда, жиноий ишнинг қўрилиши йўли қўйилган ҳато ва камчиликларни қисқа мuddатда бартараф этишда, процесс иштирокчиларининг бузилган ҳуқуқларини тиклашда ўзининг самарали босқич эканлигини амалда тўлиқ исботламоқда. **Зафар ФАЙЗИЕВ,** жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти судининг судьяси **Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,** «Куч — адолатда» мухбири

Mezon

Суд буйруғи институти

содда ва самарали усул

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Суд буйруғи ишни мазмунан кўрмасдан, мавжуд ёзма ҳужжатлар асосида чиқарилади. Судья ушбу ҳолатда гувоҳ кўрсатмаларини, эксперт хулосаларини текширмайди, тарафларнинг тушунтириши ва учинчи шахсларнинг баёнотларини эшитмайди. Буйруқ тартибиде иш юритиш жараёнида тарафлар сифатида ундирувчи ва қарздор эътироф этилади.

Суд буйруғи фақат қонунда белгиланган асослар (Фуқаролик-процессуал кодексининг 238²-моддасида кўрсатилган талаблар) мавжуд бўлгандагина чиқарилади.

Шунингдек, суд буйруғини чиқариш учун қатор шартлар мавжуд бўлиши талаб этилади. Жумладан, ундирувчи суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги ариза билан бирга қарздорнинг ўз зиммасига олган мажбуриятини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши шарт. Мазкур ҳужжатлар ишнинг моҳиятини ўзида тўлиқ акс эттириши лозим ва бу борада низо бўлмаслиги шарт.

Шу ўринда суд буйруғи институтининг афзалликлари ҳақида тўхталиб ўтиш лозим. Муқаддам ундирувчининг пул маблағларини ундириш тўғрисидаги ёки кўчар мулкни низоли талаблар бўйича қарздордан талаб қилиб олиш тўғрисидаги аризалар бўйича ҳам фуқаролик иш кўзга-тилиб, қонунда белгиланган тартибда иш юритилган, ҳар иккала тараф суд мажлисига чақирилиб, иш ҳал қилинган.

Маълумотларга назар ташласак, 2005 йилда республика судлари томонидан жами 469,978 та фуқаролик ишлари қўрилган бўлиб, шундан 299,435 тасини, яъни 67,1 фоизини коммунал хизматларга оид ишлар ташкил этган.

Бу тоифадаги фуқаролик ишларини даъво тартибиде қўриш кўп вақт талаб қилган, чунки бунда судлар процессуал қончилигининг умумий талабларига мувофиқ суд муҳокамасини ўтказишлари лозим бўлган. Бундан ташқари бундай тоифадаги ишлар-

ни кўриш ортиқча суд ҳаракатлари, жумладан, суд чақирув қоғозлари, ижро вақчалар, почта ва бошқа ҳаракатларни талаб этган. Ваҳоланки, бундай ишлар деярли низоли ҳисобланади.

Суд буйруғи институтининг қонунчилигимизга кириб келиши билан бундай тоифадаги аризалар бўйича судья ишни кўрмасдан суд буйруғи чиқариш ваколатига эга бўлди. Бу, ўз навбатида, фуқаролар ўртасидаги низоли бўлмаган фуқаролик муносабатларини ортиқча сансалорликларсиз тартибга солиш имкониятини яратди.

Мазкур институт хозирда фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилояти судлари амалиётида самарали тарзда қўлланиб келинмоқда. Хусусан, 2005 йилда 278 та суд буйруғи чиқарилган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 62.521 тага етган.

Мисол учун ундирувчи Д.Юсупова фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро судига қарздор У.Болтаевдан бир нафар фарзанди таъминоти учун алимент ундириш ҳақидаги ариза билан муурожаат этган. Аризага Фуқаролик-процессуал кодексида белгиланган тартибда тегишли ҳужжатларни илова қилган.

Суд Фуқаролик-процессуал кодексининг тегишли моддаларини қўллаб, аризани кўриб чиқиб, қарздор У.Болтаевдан ундирувчи Д.Юсупова фойдасига 2011 йил 5 сентябрда тузилган фарзанди У.Давлатовнинг таъминоти учун унинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва бошқа даромадларининг тўртдан бир қисми миқдорига алимент ундириш ҳақида суд буйруғи чиқарди.

Кўриниб турибдики, буйруқ тартибиде иш юритиш институтининг амалга киритилиши судларда даъво тартибидеги ишлар сонининг камайишига, судьялар иш фаолиятини энгиллаштиришга олиб келди. Бу эса, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тез ва соддалаштирилган усулда ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

А.МАТКАРИМОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилоят суди раисининг ўринбосари

Muloqot

Газетхон савол беради...

— Айтинг-чи, қандай жойлар яшаш учун мўлжалланмаган жой деб ҳисобланади?
Ж.РОЗИҚОВА,
Тошкент шахри

— Вазирлар Маҳкамасининг «Кўп квартиралли уйлардаги яшаш учун мўлжалланмаган жойлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги Низомининг 2-бандига мувофиқ, яшаш учун мўлжалланмаган жойларга кўп квартиралли уйларда фуқаролар яшаш учун мўлжалланмаган қуйидаги алоҳида жойлар тегишли бўлади:

- уйни қуришда лойиҳаларда кўрсатилган уйнинг ёнига кейин қурилган жойлар;
- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уйнинг қуйи қаватидаги тураржойдан яшаш учун мўлжалланмаган жойларга ўтказилган жойлар;
- қайта жиҳозланган ертўла ва ярим ертўла жойлар, техник мақсадларга мўлжалланган жойлар бундан мустасно.

Яшаш учун мўлжалланмаган жойда бошқа уй-жойлардан алоҳида қуриладиган эшик, табиий ёриш ва вентиляция; Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи ёнингга қарши ҳамда қурилиш қондаларининг функционал вазифаси ва талабларга мувофиқ жойнинг девори, шифти, поли қопланган, пардозланган бўлиши керак.

Саволга юридик фанлар номзоди С.НИЁЗОВА жавоб берди.

Hikmat

Донолар дейдиларки

Бахтли бўлишнинг сири меҳнатни севиш ва роҳатни меҳнатда кўришдир.

Кимнинг ҳиммати баланд бўлса, қадр-қиммати ҳам баланд бўлади.

Кўнглида гина сақлаб юрган киши ҳеч кимга мақбул бўлмайди.

Ўз нафсига асир бўлган одам инсонийликни қўлдан бой беради.

Хунар шундай от-дирки, у кишини роҳат ва эътибор манзилига еткази.

Одоб — ақл ва имоннинг чироғи, обрў-эътибор сармосидир.

Яхшилик қўлингдан келмаса, ёмонлик қилишдан сақлан.

Эгри ишнинг сояси ҳам эгри бўлади.

Мукамал заковат, агар таъбир жоиз бўлса, барча асрлардаги ақли ўзида мужассам этади.

2012-йил — «Mustahkam oila yili»

Саодатли оила

Ватанимиз мустақиллиги биринчи навбатда юртимизда фан, санъат, спорт равнақига кенг йўл очиб берди. Айниқса, олмос қирраларга эга мумтоз санъатимизда ўз ўрни, ўз мавқеига эга сулолаларнинг нуфузи тобора ортмоқда.



Бир неча кун бўлдики, оммавий ва электрон ахборот воситаларида мамлакатимиз санъатига обрў қўшган хушхабар кенг тарқалмоқда: Ўзбекистон давлат консерваториясида опера сирларини ўрганган навқирон хонанда Женисбек Пиязов нуфузли вокал танлови — атоқли қўшиқчи Муслим Магомаев номидаги II халқаро яқажонлар кўриғида ўнлаб мамлакатлардан йиғилган икки юз нафардан ортиқ тенор, бас, баритон хонандалар орасида олий мукофот, яъни Гран-прини қўлга киритди. Женисбек ижро этган романс ва ариялар ҳақамлар ҳайратининг ҳам, юксак дидли томошабинларнинг ҳам чинакам олқишига сазовор бўлди. Жозибали бас овоз соҳиби бўлган ўзбекистонлик ижрочи профессионал фазилатлари билан барчанинг эътирофи эришди. Ҳақиқатан ҳам, Пиязовлар сулоласи миллий санъатимизда ўз ўрнига эга бўлиб, минг-минглаб маънавиятга ошурфта қалбларни мусика ва қўшиқ сеҳри билан мунаввар айлаб келмоқда. Икки нафар «Ниҳол» мукофоти лауреатларини тарбиялаган бу сулола мухлисларни нанкин ўзбек ва қорақалпоқ миллий санъати дурдоналари, балки жаҳон мусика мероси чашмаларидан ҳам баҳраманд этган ҳолда опера ҳамда фольклор-этнографик бисотимизни

янги-янги жавоҳирлар билан бойитмоқда. Нукусда кузакнинг тароватли тонги отди. Кечаси ёмғир ёққан бўлса, субҳидан уфқ пардаси оқариб, тосма тусга кирди. Тераклар шоҳида басма-бас сайраган сўфитўрғайлар қўшини ноэли уйқусидан уйғотди. Сокин, саришта маскан — Д. Ёшимбетов кўчасидаги 46-уйдан мусика садолари янгради. Ҳа, эрта тондан оқшомгача бу хонадонда пианино, скрипка, дутор, қўбиз оҳанглари янгради. Хонадон бекаси Инжагул Собирова қорақалпоқнинг энг моҳир мусикачиларидан бири. «Муҳаллас» дуторчилар дастасида устоз, Нукус маданият ва санъат коллежи, Тошкент давлат санъат ва маданият институти Нукус филиалида ўқитувчи. Оиланинг барча аъзолари санъатни ўз ҳаётининг мазмуни деб билишади. Қайнотаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсат-

ган артист, Қорақалпоғистон халқ артисти Зийнед Пиязов моҳир актёрларидан бири эди. Эри Буркитбек Пиязов мусикачи педагог. Ўғли Нурлибек Пиязов ҳам мусика муаллими. Қизи Бахитой онасининг изидан бориб, истеъдодли дуторчи бўлиб етишди. Яна бир қизи Айнура Пиязова хореография санъатини танлаган. Кенжа ўғил Ақилбек Пиязов «Янги авлод» танлови соҳиби. Женисбек эса, «Романсида — 2009» халқаро танловида олтин медал билан тақрирланган бўлса, навқирон жиров Жанибек Пиязов ҳам қатор танловлар соҳиби, оғасидек «Ниҳол» мукофоти соҳиби, халқ дostonларининг истиқболли ижрочиси. — Менинг бешигимнинг бир бошида қўбиз, бир томонида дутор янграб турган, — дейди «Иил аёли — 2010» танлови соҳибаси Инжагул Собирова. — Айниқса, дутор ўзбек, қорақалпоқ, туркман ва бошқа хал-

қларнинг юрак оҳанглари аниқ ифода этади. Мен туғилган Кегайли ажойиб жиров, бахши, қиссахонлар замани. Менинг бобом дурустгина дуторчи эди. Фижак қалишни ҳам ўргатган. Олийгоҳни тугатганимдан буён «Муҳаллас» дуторчилар дастасида ишлаб келяпман. Эрим Буркитбек энг зўр бахшилар етишиб чиққан Қоратеран соҳилидан. Янги йилда турмуш қурганимизга ўттиз йил тўлади. Шундан буён санъатимизнинг икки ирмоғи бўлиб келяпмиз. Биздан жилғалар бўлиб, ўғил-қизларимиз етишиб чиқяпти. Неварам Нуржамол ҳам мусикага қизиққади. Мустаҳкам оила, энг аввало, маънавият билан мустаҳкамдир. Мен мустақил мамлакатимизни ана шундай мустаҳкам, бағрикенг, сўз ва соз янграган саодатли оила деб ҳисоблайман!

Янгибой КҮЧҚОРОВ, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган журналист

Бу ҳаётда диёнат, ҳиммат, бировнинг ҳақиғат хизмати қилмаслик, адолатпарварлик сингари фазилатлар инсон умрига мазмун бағишлайди. Бу фазилатларни унуттиш, оқибатни ўйламаслик эса, кишини охири-оқибат юзшувит қилади.

Ана шу жараёнда жабранувчи Фазилат Ёркулованинг жияни Шавкат Ҳайдаровнинг хатти-ҳаракатлари шубҳали туюлди. Шавкатнинг турмуш

гиллар кичик сингиллари Фазилатнинг эри Икромжон эрталаб Тошкентга иш билан кетганини айтиб қолишади. Бу гапни эшитиб, Шавкатнинг нијати бузилади. У аммасининг ҳовлисида чикаркан, кўнглида поччаси йўқлигидан фойдаланиб, унинг уйига ўғирликка тушишдек тубан мақсад туғилди. «Амман ёлғиз, танимаслиги учун ниқоб тақиб олсам...».

Шавкат ҳамқишлоғи Зафар Пўлатовни ўзига жиноий шерик қилиб олади. Хуллас, ўша тунда ҳамтовоқлар босқинчилик йўли билан жабранувчининг 15 минг 300 АҚШ долларини, шунингдек, И. Ёркуловнинг «Нексия» автомашинасига тегишли техник паспорт, шартнома қозонини талон-тороҳ қилишади. Улар Фазилат Ёркулованинг уйдан чиққан, Шавкат 2 минг АҚШ долларини Зафарга бериб, қолганин хотинига бир кўрсатади-ю, сўнг яшириб қўяди.

— Ўша кун ярим тунда уйдан чиқиб кетгани, — дейди судда Шавкатнинг хотини Дилнавоз. — Тахминан тунги соат иккиларда қайтиб келди. Чўнтагидан бир даста доллар чиқариб кўрсатди. Қаердан олганини сўрасам, «Фазилат аммандан олиб келяпман, ҳеч кимга айтма», деди.

Албатта, ҳаётда бирон-бир жиноий қилмиш жазосиз қолмайди. Юқорида баён этилган қилмишга қўл урганлар ҳам Жиноят кодексининг 164-модаси 4-қисми «а» банди, 227-моддаси 2-қисми «а» банди билан айбдор деб топилди. Суд томонидан жиноятчиларга қилмишларига яраша жоний ҳазо тайинланди.

Хулоса ўрнида шунини айтиш керакки, жазо муддати тугагач, Шавкат уйига қайтиб келади. Аммо у яқинларининг, айниқса, аммасининг кўзига қандай қарайди?!

Афсуски, тўғри йўл қолиб эгрилик сари юрган Шавкат ва унинг ҳамтовоғи бахтни бойликда деб билишди, энг ёмони, унга нопок йўл билан эришмоқчи бўлишди. Ҳолбуки, чинакам бахт ақилларнинг, қариндошларнинг меҳр-оқибатида, уларнинг яхши-ю ёмон кунда ҳамдам, ҳамфикр бўлганида мужассамдир.

Илҳом ТЕШАЕВ, жиноят ишлари бўйича Иштихон тумани судининг раиси

Ўша кун Икромжон дўсти Гайбуллиннинг (исм-фамилиялар шартли) «Тошкентдан фермер хўжалигимизга трактор олиб келишимиз керак. Сен техникани яхши тушунасан, юр, маслаҳат бериб турасан», деган илтимосини рад қилолмади. Икромжон гарчи уйи, хотинидан хавотир олаётган бўлса-да, (ўғиллари олисда ишлашди, ҳар кун келиб-кетишининг имкони йўқ), «Тонгда йўлга чиқсак, Самарқанд билан Тошкент ораси тўрт-беш соатлик йўл, бир кунда қайтиб келамиз», деган фикрда йўлга отланди.

Бирок ҳужжатлардаги айрим камчиликлар сабабли ишлари битмай, яна бир кун Тошкентда қолаётган бўлишди. Кенга томон Икромжон хотинига қўнғироқ қилиб, ҳол-аҳвол сўрагач, яна бир кун Тошкентда қолишини, шу боис кечкурун қариндошларининг болаларидан бирини уйга чақирини тайинлади.

Эрининг гапидан сўнг Фазилат қўшнисининг кенжа ўғли Фаррухни айтиб чиқди. «Ҳарна, далда бўлади», деб ўйлади у. Улар бироз телевизор томоша қилгач, Фазилат ўрнидан туриб, пешайвон эшигини бекитиб келди. Сўнг Фаррухга жой солиб бериб, ўзи эса, ҳар доимгидек каравотга чўзилди.

Фазилат қанча ухлаганини билмайди, бир маҳал қутилмаганда уй эшиги тарақлаб очилиб кетди. Чўчиб уйғонган Фазилат «ким» дейишга ҳам улгурмасидан қандайдир бир шарпа боши устида пайдо бўлди. Фира-ширада унинг юзида ниқоб борлиги кўринди.

Тили калимага келмай қолган аёл ўзини қутқариш учун бир-икки уринди, лекин ҳалиги кимса бошига бир мушт туширгач, жимиб қолди. Шунда ҳалиги шарпа тилга кириб, «Пулларни қаерга яшириб қўйгансан?!» — деди дағдага билан. Фазилат бунга жавобан «билмайман», дегандек бош чайқади. Бундан жаҳланган босқинчи «Пулни чиқар, бўлмаса ўласан!» — деди боғайдан ҳам баттар ваҳоҳатда. Шу тобда Фазилатнинг ҳаёлига ўзи-

Jinoyat va jazo

Бировнинг ҳақи

бошқага ҳам буюрмайди

дан нарироқда ётган Фаррух келиб, уни чақирди. Фаррух ҳам тўс-тўполондан уйғониб кетган экан, шекилли, титроқ товушда «ха, опа», — деб жавоб қайтарди. Аммо шу заҳотидек унинг уни ўчди.

Босқинчи гапи ўтмаётганидан баттар газаби кўзиди чоғи, Фазилатни сочидан судраб қўшни хонага олиб ўтди-да, дўппослай кетди. Бу таҳдиддан ўзини буткул йўқотиб қўйган аёл итоткор кўйда тахмон орасидан қалитни олиб, сандиқни очди. Сандиқнинг ичидан бир даста пулни олган ҳалиги кимса шошилганча эшикка йўналди. Ташқарига чиқиб кетган пайтда унга яна бир шарпа эргашди. Шунда Фазилат Фаррухнинг овози нега чиқмай қолгани сабабини билди.

Ҳақиқатан ҳам, ширин уйқуда ётган бола эшик тарақлаб очилганда чўчиб уйғониб кетгани. Фазилат опа чақирганига жавоб берганини билди, бирдан кимдир устига бостириб келиб, томоғига бир нарсани қадади. Шундан у қўрқиб, нафаси ичига тушиб кетгани.

Табиийки, бу жиноий қилмиш юзасидан ҳуқуқ-тартибот идораси томонидан тезкор қидирув-суриштирув ишлари бошлаб юборилди. Аввал жабранувчининг уйда пул борлигини билдирган кишилар сўраб-суриштирилди.



Суд очерки

ўртоғи Дилнавоз сўроққа чақирилганда ҳаммаси кундай равшан бўлди.

Халқимиз ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тошу тарози, деган нақлни бежизга айтмаган. Бу ҳақрат мағзини чаққан одам ўзининг қидрини билади. Шавкат эса, аллақимларнинг ёлғон-яшиқ сўзига учиб, ноқонуний равишда хорижга ишлагани кетди. Бирок хорижга боргач, алданганини билди: на тайинли ишдан ва на мўмай даромаддан дарак бор. Охири-оқибат яна кулқуруқ қўл билан уйига қайтиб келди. Бу ёғини сўрасангиз, у хорижга кетаётганда қарз кўтаргани. Энди қарз берганлар пулни қистай бошлади...

Шундай кунларнинг бирида Шавкат девор-дармиён қўшни яшайдиган аммаси Ҳикоятнинг ҳовлисига ўтади. Катта аммаси Ҳабиба ҳам меҳмон бўлиб келган экан. Гапдан-гап чиқиб, опа-син-

Маълумки, бутун дунё табиатни асраш фонднинг рамз-эмблемасида катта панда тасвири муҳрланган. Бу бежиз эмас, албата. Аслида ушбу фонд ҳайвонот дунёсини асраб-авайлаш мақсадида ташкил этилган эди. Катта пандага келсак, у нафақат бошқаларга сира ўхшамайдиган ўзига хос жиҳатлари, балки ер юзидagi барча жониворлар орасида асл жавоҳир дейишга арзигулик даражада камёб ҳайвон турларидан бири ҳисобланиши билан аҳамиятлидир.

Sirli olam



Биз билган ва билмаган дунё

КАТТА ПАНДАНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ

Қизиқ томони шундаки, табиатда катта панданинг яшаши ўн тўққизинчи асрнинг ўрталарига қадар фанга маълум бўлмаган. Айнан шу даврда зоологлар ўрта-сида қизиқ воқеа юз беради.

Гап шундаки, ўшанда Париждаги тарих музейига кимдир олимларга мутлақо номаълум бўлган жониворнинг терисини олиб келиб топтиради. Бу тери гўё махсус бичиб олиб, қопқора ва оппоқ пахмоқ жунларни «гулини гулига мослаб» маҳорат билан бир-бирига улаб тикилгандек таассурот уйғотарди. Антика тери текширувдан ўтказилганда, у тикиш натижасида эмас, балки табиий ҳолда шу кўринишга эга эканлиги маълум бўлди. Хуллас, бу тери шу пайтгача фанга номаълум бўлган сирли жонзотга тегишли эди. Ушанда баъзи олимлар тери рангининг табиийлигига шубҳа билдириб, уни махсус бўёқ билан бўяб чиқилган, деб тахмин қилишади. Чунки ҳақиқатдан ҳам, тери ниҳоятда бежирим ва нақинкор кўринишга эга бўлиб, киши эътиборини ўзига тортарди. Табиатшунослар бу антиқа тери устида узоқ тортишувдан сўнг агарки, бу жониворни шу пайтгача ҳеч ким кўрмаган, у ҳақида бирон-бир маълумотга эга бўлмаган экан, демак, у аллақачон ер юзидан қирилиб кетган, деган хулосага келишади.

Аслида бу тери Париждаги музейга А. Давид исми француз тадқиқотчиси томонидан топширилган эди. А. Давид 1869 йил Хитойнинг Сиучуань вилояти қишлоқларидан бирида ана шу ноб ёлғон кўриб қолади. Маҳаллий аҳоли бу тери «Бей-шунг», яъни оқ айқак тегишли экани, у бандан тоғлардаги бамбукзорларда яшашини айтишади. А. Давид ниҳоятда ҳайратга тушган кўйи бей-шунгни топиш шаддига тушади ва қидирув ишларини бошлаб юборади. У ўша йили ўлдирилган бей-шунгнинг жасадини топади.

Шундан сўнг фанга номаълум бўлган жониворнинг ҳақиқатдан ҳам, мавжудлигига шубҳа қолмайди. Аммо бу жониворни ўрганишга киришган зоологлар дастлаб уни айиқ эмас, енот деган хулосага келишади. 1870 йилда жонивор енотдошлар оиласига мансуб деб топилди, унга «катта панда» деган ном беришади. «Катта» сўзининг қўлланишига сабаб шунки, бу жониворнинг анчагина кичик жуссалари Жанубий-Шарқий Осиёнинг айрим ҳудудларида ҳам учраб туради.

Шу тариқа қайта кашф этилган жониворга нисбатан қизиқтириш ортиб, нафақат зоологлар, балки ривожланган давлатлардаги нуфузли ҳайвонот боғлари эгалари ҳам ўз коллекцияларини бу гаройиб жонзот билан бойитиш истагига тушиб қолишади. Бу ҳолат шу чоққача тинчгина умргузаронлик қилиб юрган катта пандаларга нисбатан овчилар таъқибининг кучайишига олиб келади. Аммо овчиларнинг тинимсиз сазъ-ҳаракатларига қарамай катта пандалар сира тўқчи бермасди. Фақат 1916 йилда келиб овчилар бир ёшли катта пандани қўлга туширишга

муваффақ бўлишади. Афсуски, бу панда тутқунликда узоқ яшолмай, тезда нобуд бўлади.

Шу тариқа панда ови деярли юз йилдан ошқ вақт давом этади ва аста-секин жаҳондаги деярли барча катта ҳайвонот боғларида пандалар пайдо бўлади.

Пандалар денгиз сатҳидан 2000-3800 метр бандлиқдаги қалин бамбукзорларда яшашилади. Бу бамбукзорлар шу қадар қалинки, у ерда юриш туғул икки қадам нарини қўриш ҳам мушкул. Аммо пандалар бундай чакалзорларда ақлбавар қилмайдиган чаққонлик билан ҳаракат қилади. Одатда, пандалар ёлғиз яшади, фақат она пандалар кичкинтойларини бир йилгача бағридан қўймай олиб юради.

Пандаларнинг қай тариқа кўпайиши ҳам олимлар учун номаълум эди. Фақат 1963 йилда келиб, Пекиндаги ҳайвонот боғидаги «Ли-Ли» лакаби панда бола кўради. Бу пандача бор-йўғи 142 грамм оғирликка эга бўлса-да, аммо худди эртақларда таърифланган пахлавлардан катта кун эмас, соат сайин ўса бошлади. У беш ойлик бўлганда вази 10 килога етади. Кичкинтойга «Мин-Мин», яъни хитойчада ярқирок, товланувчи маъносини билдирувчи ном қўйишади. Биринчи ўн кунликда она панда боласини олд оёқларида, ҳатто овқатланаётган пайтда ҳам, ерга қўймай олиб юради. Миттивой икки ойлик бўлиб қолганда она панда чакалогни билан худди ўйинчоқ каби, аммо ниҳоятда авайлаб бирга ўйнай бошлади. Уч ойга тўлганда «Мин-Мин» эркин ҳаракатланиб, онаси мизганин пайтлари бемалол инининг ичиди ўзи мустақил айланиб юради. Аммо она панда ниҳоятда сергак ухлар, боласи ўзидан бироз узоқлашиб дегунча дарров уйғониб, уни яна ўзи бағрига қайтариб оларди. Бир йилдан кейин худди шу панда иккинчи бор фарзанд дунёга келтирди.

Эш пандалар ҳатто тутқунликда ҳам ниҳоятда ўйинкор бўлишади. Пандалар бошқа жониворларга нисбатан ўз лакабини жуда тез англаб олади, чақирилганда, дарҳол югуриб келишади. Эш пандачалар улғайгани сари кам ҳаракатланадиган, оғир-босиқ бўлиб боради. Викор ва жиддийлик касб этгани сайин аввалгидек ишонувчан ва қувноқлигил йўқолади. Шу сабабли энди улар билан эҳтиёткорлик билан муомала қилишга тўғри келади.

Пандалар ниҳоятда озода ва саранжом-саршиша жонивор бўлиб, улар яшаган жойда доимо тозалик ҳукм суради. Айни кунга қадар пандаларнинг ҳайвонот боғидаги энг узоқ умри 23 йилни ташкил этгани қайд этилган. Бу жонивор сиртдан жуда ҳайбатли кўринса-да, на балиқ ва на гўшт ейди. Фақат метавалар ва махсус турдаги бамбук билан оқзиланади. Улар ширинлики ҳам хуш кўришади. Бу унинг очикқўнғил жонивор эканлигидан далолат беради.

Интернет материаллари асосида Дилфуза КҮЗИЕВА тайёрлади.

Куч — адолатда
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ
Газета 2007 йил
23 февралда Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 0224-рақам
билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ
Бўритош МУСТАФОВ
Шерали РАҲМОНОВ
Боқижон ЯХҲЕВ
Мавжуда РАҲАБОВА
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Арислон УСМАНОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Сардор
ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи
Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонасида офсет усулида босилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзиллими: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56
Буюртма: Г-1116. Қўроғ бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ,
Сотувда эркин нарҳда. Адади: 6007.
1 2 3 4
Топшириш вақти: 2003 Топширилди: 2100